

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD. 03/27.02.2020.Fil.72.09 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

РАЖАБОВА РАЪНО ЗАРИПОВНА

ЎЗБЕК БОЛАЛАР АДАБИЁТИДА ФОЛЬКЛОР ЖАНРЛАРИ
СТИЛИЗАЦИЯСИ (НАСРИЙ ЭРТАК ВА ТОПИШМОҚ МИСОЛИДА)

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)

Ражабова Раъно Зариповна

Ўзбек болалар адабиётида фольклор жанрлари стилизацияси (насрий эртак ва топишмоқ мисолида).....5

Ражабова Раъно Зариповна

Стилизация фольклорных жанров узбекского детского литературы (на примеры прозаических сказок и загадок).....25

Rajabova Rano Zaripovna

Stilization of folklore genres in the Uzbek children literature (on the taylor and riddles).....47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....51

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD. 03/27.02.2020.Fil.72.09 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

РАЖАБОВА РАЪНО ЗАРИПОВНА

ЎЗБЕК БОЛАЛАР АДАБИЁТИДА ФОЛЬКЛОР ЖАНРЛАРИ
СТИЛИЗАЦИЯСИ (НАСРИЙ ЭРТАК ВА ТОПИШМОҚ МИСОЛИДА)

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2020.1.PhD/Fil1107 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгашнинг веб-саҳифаси (www.buxdu.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим портали (www.ziynet.uz)да жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ўраева Дармон Саидахмедовна
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Сариев Санъатжон Матчонбоевич
филология фанлари доктори (DSc)

Баракаев Раҳматилла
филология фанлари номзоди, доцент


Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги PhD.03.27.02.2020.Fil.72.09 рақамли илмий кенгашнинг 2020 йил «9» декабрь соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 200117, Бухоро шаҳри, М. Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (+99865221-29-14); факс: (+99865221-29-14, email: buxdu_rektor@buxdu.uz).

Диссертация билан Бухоро давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (801 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (+99865221-29-14).

Диссертация автореферати 2020 йил «26» ноябрь да тарқатилди. (2020 йил «25» ноябрь даги 3-рақамли реестр баённомаси).



М.Қ.Абузалова,

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филология фанлари доктори (DSc), профессор

Г.И.Тоирова,

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Ф.А.Мўминов,

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филология фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон халқлари ёзма адабиётида фольклор жанрларининг стилизацияси кенг тарқалган адабий ҳодисалардан бири сифатида алоҳида эътиборни тортади. Фольклорнинг эртак, топишмоқ каби анъанавий жанрлари асосида болалар адабиётида шеърӣ, насрий, драматик кўринишдаги адабий эртаклар ва топишмоқлар кўплаб яратилганки, уларнинг ўзаро генетик алоқадорлигини, жанрий хусусиятларини, бадий-композицион белгиларини аниқлаш фольклор ва ёзма адабиёт муносабатининг бардавомлигини асослашда муҳим аҳамият касб этади.

Дунё адабиётшунослигида бугунги кунда болалар адабиётининг анъанавий жанрларига бадий-эстетик ҳодиса сифатида ёндашиб, поэтик хусусиятларини, яратилиш асосларини, ижтимоий-психологик омилларини, ижодкор бадий маҳоратини очишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, фольклорнинг эртак ва топишмоқ сингари қадимий, анъанавий жанрларининг миллий болалар адабиётини юксалтиришдаги ўрнини, уларни стилизациялашда тақлид, ижодий таъсирланиш, имманент ва контекстуал ёндашув масалаларини ёритиш болалар адабиёти тараққиёт тамойилларини, унда шаклий-услубий янгиланиш турларини аниқлаш ушбу йўналишини янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган жадал ислохотлар шароитида замонавий ўзбек адабиётини ривожлантиришда, жумладан, ўзбек адабиётшунослигида ҳамда болалар адабиётидаги янгиланиш жараёнлари, етакчи тараққиёт тамойиллари ва бадий тафаккур ҳамда ижодий услубдаги поэтик изланишларни ўрганишга катта эътибор қаратилмоқда. «Айни вақтда, маданият соҳасида жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш, ёшларимизни ҳақиқий санъатни англашга ўргатиш, уларнинг эстетик оламини соғлом асосда шакллантириш бўйича олдимизда муҳим вазифалар турибди»¹. Ўзида ғоятда кенг, чуқур ғоя, мақсад ва моҳиятни ифодаловчи «эстетик оламини соғлом асосда шакллантириш» деган ушбу фикр адабиётшунослик олдида яратилаётган бадий асарларнинг тараққиёт йўналишларини, етакчи хусусиятларини белгиловчи тадқиқот ишлари олиб бориш вазифаси турганини кўрсатади. Ёзувчиларнинг янада кенг кўламли янги ижодий вазифаларини белгилаш ва кенг китобхонлар оммасининг, хусусан, ёшларнинг бадий-эстетик дидини тарбиялаш нуқтаи назаридан янада чуқурлаштириш эҳтиёжи борлигидан далолат беради. Шу эҳтиёж туфайли ёзма эртак ва топишмоқлар генезиси, ўзига хос бадий-композицион, услубий, лингвопоэтик хусусиятлари, эртакчи адиб ва топишмоқчи шоирларнинг маҳоратини кўрсатиб бериш ҳам адабиётшунослигимизнинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

¹Мирзиёев Ш.М. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир (Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маъруза) // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2017 йил, 4 август.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ-4794-сон Фармони, 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 24 апрелдаги 304-сон «Бахшичилик ва дostonчилик санъатини янада ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, шунингдек, мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон адабиётшунослигида тарихнинг энг қадимги даврларидан бошлаб турли қабила ва уруғларни узоқроқ яшаб қолиши, издошларини тарбиялаш мақсадида алла, овутмачок, эртак ва топишмоқлар яратиш, бу орқали онгли, кучли, эпчил ва чакқон инсонни шакллантириш мақсадини кўзлаганлиги ҳақидаги эътирофлар Н.В.Будур, Е.И.Иванова, С.А.Николаева, Т.А.Чеснокова тадқиқотларида учрайди².

Рус болалар адабиётшунослигида Э.Б.Тайлор, В.Я.Пропп, Б.Н.Путилов, М.Н. Мельников, Ф.С.Капица³ тадқиқотларида фольклор жанрлари ҳақида билдирилган фикр-мулоҳазалар ҳам ўзбек болалар ёзувчилари учун ўзига хос мактаб вазифасини ўтади.

Ўзбек фольклоршунослигида эртак жанри генезиси, таснифи ва бадииятининг фольклористик тадқиқи бўйича Б.Каримов, М.Афзалов, Ғ.Жаҳонгиров, Ғ.Жалолов, К.Имомов, Х.Эгамов, М.Жўраев, Ж.Юсупов, Т.Раҳмонов, Қ.Бекназаров, С.Жумаева, З.Усмонова, Н.Дўстхўжаева,

² Будур Н.В., Иванова Э.И., Николаева С.А., Чеснокова Т.А. Зарубежная детская литература. – Москва: Академия, 1998. – 123 б.

³ Тайлор Э.Б. Первобытная культура. – Москва: Политиздат, 1989. – С.78-511., Пропп В.Я. Фольклор и действительность. – Москва: Наука, 1976. – 325 с., Путилов Б.Н. Методология сравнительно-исторического изучения фольклора. – Ленинград: Наука, 1976. – С.183-184., Мельников М.Н. Русский детский фольклор. Учебное пособие. – Москва: Просвещение, 1987. – 240 с., Капица Ф.С. Русский детский фольклор. Учебное пособие. – Москва: Флинта-Наука, 2002. – 315 с.

М.Содиқова, Н.Қодиров, З.Расулова⁴ каби олимлар томонидан салмоқли тадқиқотлар амалга оширилган Бундан ташқари, Б.Жуманиёзов, Ж.Эшонқулов, Ш.Шомусаров, Т.Раҳмонов, О.Қаюмов, А.Тилавов, Д.Файзиева тадқиқотларида ҳам эртақ билан боғлиқ муҳим мулоҳазалар билдириб ўтилган.⁵

Топишмоқлар генезиси ва бадииятининг фольклористик тадқиқи бўйича З.Хусаинова, Ш.Турдимов, Д.Ўраева, М.Жўраева сингари ўзбек олимлари олиб борган тадқиқотлар эътиборлидир⁶ Бу тадқиқотларда топишмоқ жанрининг келиб чиқиш илдизлари, ижтимоий-руҳий, бадиий-эстетик вазифалари ҳақида қимматли фикр-мулоҳазалар илгари сурилган. Ўзбек халқ топишмоқларининг лексик-семантик, синтактик-семантик хусусиятлари ҳақида ҳам алоҳида тадқиқотлар яратилган⁷. Ўзбек

⁴ Буюк Каримий. Ўзбек халқ эртақларининг баъзи бир хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1995. – № 5-6. – Б.57-62; Афзалов М. Ўзбек халқ эртақлари ҳақида. – Тошкент: Фан, 1964. – 68 б.; Жаҳонгиров Ф. Ўзбек болалар фольклори. Ўқитувчилар учун қўлланма. – Тошкент: Ўқитувчи, 1975. – 122 б.; Жалолов Ғ. Ўзбек халқ эртақлари поэтикаси. – Тошкент: Фан, 1976– 156 б.; Жалолов Ғ. Узбекский народный сказочный эпос. – Тошкент: Фан, 1980. – 271 с.; Имомов К. Ўзбек халқ сатирик эртақлари. – Тошкент: Фан, 1974 – 156 б.; Имомов К. Ўзбек халқ эртақларининг тарихий асосларига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1982. – № 1. – Б.36-41.; Имомов К. Ўзбек халқ насри поэтикаси. – Тошкент: Фан, 2008. – 252 б.;

Эгамов Х. Совет Шарқи туркий халқлари эртақчилик анъаналари алоқалари тарихидан очерклар. – Тошкент: Ўқитувчи, 1982. – 289 б.; Жўраев М. Ўзбек халқ эртақларида «сеҳрли» рақамлар. – Тошкент: Фан, 1991. – 152 б.; Юсупов Ж. Хоразм эртақи ва ҳаёт ҳақиқати. – Тошкент: Фан, 1997. – 127 б.; Юсупов Ж. Хоразм эртақлари поэтикаси. – Урганч: УрДУ ноширлик бўлими, 2005. – 206 б.; Бекназаров Қ. Ўзбек халқ маиший эртақлари (ўрганилиши, таснифи, поэтикаси): Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 1993 – 26 б.; Жумаева С.Ч. Хайвонлар ҳақидаги эртақларнинг генетик асослари ва спецификаси: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 1996 – 26 б.; Усмонова З. Ўзбек эртақ-новеллаларининг ўзига хос хусусияти ва бадиияти: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 1999 – 24 б.; Дўстхўжаева Н. Ўзбек сеҳрли эртақларининг структурал таҳлили: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 1999 – 24 б.; Содиқова М.А. Ўғай қиз типдаги туркум эртақларнинг спецификаси, генезиси ва бадиияти: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 2003 – 24 б.; Қодиров Н. Ўзбек сеҳрли эртақларида замон ва макон талқини: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 2004 – 26 б.; Расулова З.Ж. Ўзбек халқ сеҳрли эртақларида «ғаройиб предметлар» (спецификаси, генезиси ва бадиияти): Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 2009 – 24 б.

⁵ Жуманиёзов Б.М. Ўзбек халқ эпосида ялмоғиз образи: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 1996 – 24 б.; Эшонқулов Ж.С. Ўзбек фольклорида дев образининг мифологик асослари ва бадиий талқини: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 1996 – 26 б.; Шомусаров Ш. Араб ва ўзбек фольклори тарихий-қиёсий таҳлили: Филол. фан. д-ри. .. дисс. автореф. – Тошкент, 1997 – 24 б.; Раҳмонов Т.Л. Қадимги мифлар ўзбек фольклори эпик мотивларининг ўзаги сифатида: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 1997 – 24 б.; Қаюмов О.С. Ўзбек фольклорида пари образи (генезиси ва бадиияти): Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 1999. – 24 б.; Тилавов А. Ўзбек халқ дostonларидаги от образининг тарихий асослари ва бадиий талқини: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 2000. – 24 б.; Файзиева Д. Ўзбек фольклорида илон образи (генезиси ва бадиияти): Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 2004. – 24 б.

⁶Хусаинова З. Топишмоқлар // Ўзбек фольклори очерклари. Уч томлик, биринчи том. – Тошкент: Фан, 1988. – Б.100-101; Турдиев Шомирза. Чалдирмоқ нима? – Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 1984 йил, 7 ноябрь; Ўраева Д. Топишмоқларнинг мотам маросимида боғлиқ эволюцияси. – Илм сарчашмалари. – 2003. – № 4. – Б.80-81; Жўраева М. Ўзбек фольклорида топишмоқ. – Тошкент: Фан, 2011. – 112 б.

⁷Абдуллаев Ж.Х. Ўзбек халқ топишмоқларининг лексик-семантик хусусиятлари: Филол. фан. номз...дисс. автореф. – Тошкент, 1994; Сапарниязова М. Ўзбек халқ топишмоқларининг синтактик-семантик хусусиятлари: Филол. фан. номз...дисс. автореф. – Тошкент, 2005. – 24 б.

⁸ Абдукулов Т. 70-йиллар болалар поэмалари ва фольклор: Филол. фан. номз...дисс. автореф. – Тошкент, 1977; Сафаров О. Болалик куйчиси. – Тошкент: Фан, 1978. – Б.100-159; Алимов С. Ўзбек адабий эртақларининг шаклланиши ва тараккиёти: Филол. фан. номз...дисс. автореф. – Тошкент, 1984; Кахрамонов К. Роль литературной критики в развитии реалистических принципов в узбекской советской детской литературе: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Тошкент, 1988. – 20 с.; Баракаев Р. XX аср бошларидаги ўзбек болалар адабиёти ва Абдулла Авлоний ижоди: Филол. фан. номз. ...дисс. автореф. – Тошкент, 1994. – 32 б.; Турдиева К. Ҳозирги замон болалар шеърлятида маънавий масаласи: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 1994. – 26 б.; Иброҳимова З. Кичкинтойлар адабиётининг хусусиятлари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1994. – 120 б.; Ражабов Д. 80-йиллар ўзбек болалар шеърлятида поэтик маҳоратнинг айрим масалалари: Филол. фан. номз. ... дис. автореф. – Тошкент, 1995. – 29 б.; Жамилова Б. Ўзбек болалар публицистикаси ва унинг ривожланиш тамойиллари: Филол. фан. номз. дисс. ... автореф. – Тошкент, 2004. – 23 б.; Ашуров Б. Турсунбой Адашбоев шеърляти поэтикаси: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2008. – 156 б.; Жўраева Г. Ўзбек болалар шеърлятида ҳажвий образ яратиш маҳорати: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2010. – 22 б.; Нусратова Х. Сафар Барноевнинг бадиий маҳорати: Филол. фан. бўйича фалсафа д-ри (PhD)... дисс. автореф. – Самарқанд, 2017. – 45 б.; Тўраева Д. Кудрат Ҳикматнинг бадиий маҳорати: Филол. фан. бўйича фалсафа д-ри (PhD)... дисс. автореф. – Тошкент, 2017. – 53 б.

адабиётшунослигида болалар адабиётининг таракқиёт хусусиятлари, айниқса, болалар шеърлятида бадий маҳорат масалалари бўйича анча изланишлар олиб борилган бўлиб, улардан айримларида шоир ва ёзувчиларнинг эртакларни стилизация қилиш маҳорати хусусида ҳам фикр-мулоҳазалар учрайди. Бироқ ўзбек адабиётшунослигида ёзма насрий эртак, адабий топишмоқларнинг жанрий табиати ва бадиияти ҳали махсус тадқиқ этилмаган. Ҳолбуки, ёзма адабиётда насрий ва драматик турда ҳам эртаклар мавжуд. Уларнинг табиатини, бадий-композицион хусусиятларини алоҳида ўрганишга тўғри келади.

Ушбу диссертация насрий эртаклар, топишмоқларнинг замонавий адабиётда фольклор анъаналари доирасида стилизация қилинаётганлигини асослаш, бу жараён билан боғлиқ адабий-эстетик тамойилларни аниқлашга қаратилганлиги билан аввалги тадқиқот ишларидан фарқ қилади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат университетининг 2016-2021 йилларга мўлжалланган «Ўзбек адабиётшунослигининг долзарб муаммолари» мавзусидаги тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўзбек адабиётида ёзма насрий эртаклар ва топишмоқларнинг жанрий хусусиятлари, уларни стилизация қилишда поэтик тамойиллар, ижодкорларнинг шаклий-услубий изланишларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

адабий насрий эртакларнинг халқ эртакларидан ҳамда ёзма шеърӣ, драматик эртаклардан фарқини композицияси, мазмун-мундарижаси, ифода услуби, тилидаги ўзига хосликларга кўра очиб бериш;

насрий эртаклар, адабий топишмоқларни шаклланиш манбалари ва ижтимоий-психологик омиллари асосида таснифлаш;

ўзбек болалар адабиётида эртак, топишмоқ каби фольклор жанрларининг стилизацияси жараёнида поэтик жанр, мазмун, образ, мотив янгилинишига хос адабий-эстетик тамойилларни аниқлаш;

ёзма эртак ва топишмоқларнинг бадий-композицион, лингвопоэтик хусусиятларини, мавзу мундарижаси ҳамда шаклий типларини асослаш;

насрий адабий эртакларнинг сюжет таркибида учрайдиган анъанавий мотивларни, образларни ва уларнинг янгиланган кўринишларини далиллаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ўзбек болалар адабиётидаги эртакчи адиблар, топишмоқчи шоирларнинг тўпламларидаги эртак ҳамда топишмоқлар танланган.

Тадқиқотнинг предметини ўзбек болалар адабиётида эртак, топишмоқ каби фольклор жанрларининг стилизацияси жараёнида поэтик жанр, мазмун, образ, мотив янгилинишига хос хусусиятлар ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Диссертацияда тарихий-қиёсий, аналитик, герменевтик, биографик ҳамда социологик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ёзма насрий эртак ва топишмоқларнинг бадиий-композицион, лингвопоэтик, услубий-вазифавий хусусиятлари, фольклордаги шундай жанрлар билан генетик алоқадорлиги, ифода услуби ўхшаш, аммо мазмуни, образ ва мотивларидаги поэтик янгиланишлардан келиб чиққан шаклий фарқли жиҳатлар, этнопедагогик моҳиятининг сақланиши исботланган;

ёзма насрий эртак ва топишмоқларнинг яратилишига сабаб бўлган замон ва давр воқеликлари, инсонлар маънавий эҳтиёжи сингари ижтимоий-психологик омиллар, уларнинг мавзу мундарижаси, эртак-қисса, эртак-ривоят, эртак-топишмоқ, эртак-достон, эртак-драма каби шаклий типларига кўра шеърий, насрий, драматик адабий эртаклар турлари, шеър-топишмоқ ёки топишмоқ шеърларнинг фарқи аниқланган;

насрий адабий стилизация эртаклар сюжет таркибида, шунингдек, ёзма топишмоқларда учрайдиган анъанавий мотивлар, образларнинг янгича кўринишдаги поэтик ва услубий талқинлари, миллийлик, халқчиллик, ғоявий таъсирчанликни ошириш билан боғлиқ бадиий-эстетик вазифалари асосланган;

ўзбек болалар адабиётида эртак ва топишмоқ стилизациясига эришиш учун бу фольклор жанрларига хос анъанавий шакл ва ифода услубини, деталь ёки эпизоднинг халқона руҳини айнан ёки қисман сақлашдан иборат бадиий-эстетик принциплар, бунда поэтик жанр, мазмун, образ, мотив янгиланиши билан боғлиқ ижодкор маҳоратига алоқадор шакл ва сўз танлаш, асарга сарлавҳа бериш, анъанавий мотив ва образларни давр руҳига ҳамоҳанг кўринишда қўллаш каби белгилар очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ўзбек адиб ва шоирларининг болалар адабиётида насрий эртак, шеърий топишмоқ жанрларини яратишга, бу жанрларнинг шаклий-услубий поэтик имкониятларини янгилаш ва бойитишга кўшган ҳиссаси тадқиқи орқали бугунги адабий жараёндаги жанрий изланишларнинг хусусиятлари ёритилган;

замонавий адабиётда фольклорга хос эртак ва топишмоқ жанрларини стилизация қилишнинг муҳим белгилари очиб берилган;

стилизион фольклоризмлар поэтик тафаккурни янгилашнинг етакчи адабий-эстетик омилли экани, халқ оғзаки ижоди барча даврларда ёзма адабиёт ривожига муҳим ўрин тутиб келгани асосланган;

насрий адабий эртаклар, ёзма топишмоқларда учрайдиган айрим анъанавий мавзу, мотив, образларнинг янгича кўринишдаги талқинлари ва бадиий-эстетик вазифалари аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув усуллари ва назарий маълумотларни беришда аниқ илмий манбаларга таянилгани, таҳлилга тортилган материалларнинг тарихий-қиёсий, аналитик, герменевтик, биографик ҳамда социологик таҳлил каби илмий методлар воситасида асосланганлиги, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги, адабиётшуносликнинг замонавий илмий концепциялари асосида ўрганилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти адабий насрий эртаклар ва топишмоқларга хос бадиий-композицион, лингвопоэтик, услубий ифода хусусиятлари яхлит бадиий тизим сифатида аниқланганлиги; оғзаки ва ёзма адабиётдаги жанрларнинг муштарак қирралари, уларнинг бир-бирига ўзаро таъсири, генетик алоқадорлиги исботланганлиги, эртак ҳамда топишмоқ жанрининг стилизация асосидаги поэтик-тадрижий такомилли далилланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишдаги назарий умумлашма ва таҳлиллардан «Ўзбек фольклори», «Болалар адабиёти», «Ўзбек мифологияси», «Адабиёт назарияси» халқ оғзаки бадиий ижодиёти фанлари бўйича махсус курслар ўтишда ва маърузалар ўқишда, адабиёт ва фольклор фанларидан дарс машғулоти олиб боришда, ўқув қўлланмалар, дарслик, мажмуалар яратишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбек болалар адабиётида фольклор жанрлари стилизациясини тадқиқ қилиш жараёнида эришилган илмий натижалар асосида:

ёзма насрий эртак ва топишмоқларнинг яратилишига сабаб бўлган ижтимоий-психологик омиллар билан боғлиқ илмий натижалар ҳақидаги хулосалардан Бухоро давлат университетининг Ф-1-06 «Истиклол даври ўзбек адабиётида Шарқу Ғарб адабий анъаналари синтези» номли фундаментал лойиҳада (2012-2016 йй.) фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 9 сентябрдаги 89-03-3184-сонли маълумотномаси). Натижада ёзма насрий эртак ва топишмоқларнинг яратилишига сабаб бўлган ижтимоий-психологик омиллар очиб берилиши ҳамда уларнинг мавзу мундарижаси, шаклий типларига кўра турлари аниқланишига хизмат қилган;

ўзбек мифологиясида ҳозирги давр болалар адабиётида яратилаётган насрий адабий стилизация эртаклар сюжет таркибида, шунингдек, ёзма топишмоқларда учрайдиган анъанавий мотивлар, янгича кўринишдаги талқинлари ҳақидаги хулосалардан Навоий давлат педагогика институтининг Ф1-ХТ-19919 – «Ўзбек мифологияси ва унинг бадиий тафаккур тараққиётидаги тутган ўрни» мавзусидаги фундаментал илмий тадқиқот лойиҳада (2012-2016 йй.) фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 9 сентябрдаги 89-03-3184-сонли маълумотномаси). Натижада ўзбек мифологиясининг айрим белгилари ўзбек болалар адабиётида эртак, топишмоқ каби фольклор жанрларини стилизациялашнинг бадиий-эстетик принциплари, бунда поэтик жанр, мазмун, образ, мотив янгиланиши билан боғлиқ ижодкор маҳорати белгиларини аниқлаш имконини берган;

ёзма насрий эртак ва топишмоқларнинг бадиий-композицион, лингвопоэтик, услубий-вазифавий хусусиятлари каби илмий қарашлардан Бухоро вилоят телерадиокомпаниясида «Ассалом, Бухоро!», «Саккизинчи мўъжиза» кўрсатувларининг 2020 йил март ва апрель сонидagi сценарийсини

тайёрлашда фойдаланилган (Бухоро вилоят телерадиокомпаниясининг 2020 йил 21 августдаги 1/203-сонли маълумотномаси). Натижада телетомошабинларнинг китобхонликка қизиқишини оширишга, ёзма насрий эртақ ва топишмоқларнинг бадий-композицион, лингвопоэтик, услубий-вазифавий хусусиятлари, фольклордаги шундай жанрлар билан генетик алоқадорлиги, ўхшаш ва фарқли жиҳатлари, этнопедагогик моҳиятининг сақланиши бўйича илмий тасаввур-тушунчаларини бойитишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 8 та илмий-амалий анжуманда, шу жумладан 5 та республика, 3 та хорижий конференцияларда қилинган маърузаларда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш эълон қилинган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та, республика ҳамда Халқаро базалар рўйхатига кирган хорижий журналларда 2 та мақола нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 153 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети, республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, илмий янгилиги, амалий натижалари, олинган натижаларнинг ишончлилиги, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияси, диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ўзбек болалар адабиётида фольклор жанрлари стилизацияси асослари**» деб номланган биринчи боби «Болалар ёзма адабиётида фольклор жанрлари стилизацияси омиллари ва кўринишлари», «Эртақ жанри стилизациясининг асослари ва тараққиёт хусусиятлари» номли икки фаслдан таркиб топган.

Ўзбек адабиётининг ажралмас таркиби бўлган болалар адабиёти ривожига фольклор муҳим омиллардан биридир. Унда фольклор жанрларини ўзлаштириб, шу асосда янги бир асар яратиш ўзига хос ижодий жараён тусини олган. Баъзан бу ҳолат адабий таъсир самараси сифатида ҳам изоҳланади.

Катталар адабиётидан кўра болалар адабиётида фольклор жанрлари, образ ва мотивларига мурожаат янада кўпроқ кузатилади. Хусусан, болалар фольклорига алоқадор алла, эркалама, ҳукмлагич, шунингдек, ҳам катталар, ҳам болалар фольклорига тегишли эртақ, топишмоқ, тез айтиш сингари жанрларнинг шакли, ифода услуби, образ ва мотивларига айрим ижодкорлар

қайта ишлов бериши натижасида стилизация фольклоризм кўринишлари пайдо бўлади.

Эртақ жанри стилизацияси учун эртақ шакли (бошланмаси ва тугалланмаси) ва ифода услуби (хаёлий ё ҳаётий уйдирма), мифологик образ (Хизр, сеҳргар чол ё кампир, учар от, олтин шохли кийик, дев, аждар, жин, пари), тилсим предметлар (қайнар хумча, сеҳрли ойна, сеҳрли китоб каби) ва мотивлари (эврилиш, туш, синов, шарт қўйиш, сафар сингари) вазифалари имкон қадар сақланиб, мазмун ўзгартирилади.

Эртақлар эпик тур сифатида кўпинча насрий баёнга асосланади. Шунинг учун халқ эртақларига насрий эртақ сифатида ижодий ёндашилса, уларга хос эпик баён услуби йўқолиб кетмайди. Шеърый (поэма) ҳамда драматик эртақларда эса йўқолади. Шундай экан, бу ҳақда бизгача ўз мулоҳазаларини баён этган фольклоршунос И.Ёрматов айтгандек, стилизация жараёнида ёзувчи фольклорга хос ривоявий баён услубини ўзгартирмаслиги ҳар доим лозим бўлавермайди⁸. Яна у таъкидлаганидек, муаллиф ҳар доим ҳам ҳикоячи сифатидагина кўзга ташланмайди. Хусусан, шеърый ва драматик эртақлар стилизациясида бунинг иложи йўқ. Чунки шеърый эртақларда воқелик ижодкорнинг лирик кечинмалари асосида лирик талқин қилинса, драматик эртақларда воқелик икки персонаж диалоги асосида юзага чиқарилади.

Тез айтишлар болалар фольклорида маънавий ўйин турларидан бири бўлиб, кичкинтойлар адабиётида кўп стилизация қилинган жанрлардан ҳисобланади. Ўзбек адабиётида биринчилардан бўлиб бу борада фаолият юритган шоир Қуддус Муҳаммадий ўзининг гуллар бадий тавсифига бағишланган «Уртўқмоқгул» шеърый тез айтишида болаларга шу номдаги гулни таништиришдан ташқари, унинг номидаги «Р», «Л», «Қ» товушларини тўғри талаффуз қилишга ўргатишни кўзда тутган⁹.

Шоир С.Ғафуров ҳам топишмоқ ва тез айтишлар болаларнинг ақлини пешлаб, тилларини бурро қилишда муносиб кўмакчи бўлишини инобатга олиб, кичкинтойларга бағишлаб шу жанрдаги асарларни яратган¹⁰. Хусусан, шоир Н.Эрмат ўнлаб тез айтиш ва топишмоқ китоблари билан янада шуҳрат қозонган. У ўзининг юзта тез айтишини ўзбек алифбосидаги барча ҳарфлар асосида яратган. Шунингдек, З.Ҳасанова, М.Ҳамидова ижодида ҳам адабий тез айтишлар учрайди.

Болалар адабиётида болалар фольклорининг энг кенг тарқалган жанрларидан бири алланинг стилизацияси ҳам анча кучли. Уларда халқ аллалари оҳангини сақлаш учун «алла» такрорининг келтирилиши, бу сўзнинг кўпинча сарлавҳада акс эттирилиши, мазмунан болани эркалаб ухлатишга қаратилгани ўзига хос универсалия сифатида эътиборни тортади¹¹.

⁸ Ёрматов И. Фольклоризмларнинг типологик хусусиятлари. – Ўзбек тили ва адабиёти. – 1982, 2-сон. – Б.55-58.

⁹ Ирисхўжаева С. Шоир ва мураббий. – Тошкент: Ўзбекистон, 1977. – Б.27.

¹⁰ Ғафуров Собит. Топағон бола: тез айтишлар, хандалар, топишмоқлар (Мактабгача тарбия ёшидаги болалар учун). – Тошкент: Юлдузча, 1988. – 46 б.

¹¹ Зуннунова Саида. Нилуфар. Шеърлар. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972. – Б.200.; Ҳожиёва О. Алла / Паноҳим: Шеърлар ва ҳикоялар. – Тошкент: Шарк, 1998. – Б.19.

Қизиғи шундаки, алла жанри стилизацияси нафақат аёл, балки эркак шоирлар ижодида ҳам кузатилади. Бунга З.Диёрнинг «Она алласи» кўшиғини, С.Очил, С.С.Бухорий қаламига мансуб алла матнларини мисол қилиш мумкин. Н.Эрматнинг «Айиқбека алласи» шеъри ҳар бир сўзи «а» ҳарфи билан бошланган жумлалардан таркиб топгани, қиз болалар ўйин фаолиятида кўғирчоқ ўйнаш ва уларга алла айтиш ҳолатини инобатга олиб яратилгани билан ажралиб туради. Ҳ.Имомбердиевнинг «Алла» шеърида эса гарчи «алла» сўзининг такрори келтирилган бўлмаса-да, унинг сарлавҳаси ва болани ухлатишга қаратилган мазмундалиги алла кўшиғи эканидан дарак беради.

А.Обиджон тўй маросимида алоқадор «келинсалом» ва «куёвсалом» кўшиқлари асосида болалар тилидан турли жонзотларга қаратилган «Саломномалар» яратгани ҳам ўзига хослик касб этган. Ўттиз мисрадан иборат бу шеър 15 байт (15 иккилик)дан иборат¹².

Ўзбек болалар адабиётида эртак жанри энг кўп стилизация қилингани кузатилади. Адабий эртакчилик шаклланиши ва ривожига эса иккита омил катта таъсир кўрсатди: 1.Ҳар қандай турдаги адабий эртакчилик шаклланишига халқ эртаклари ғоявий-композицион жиҳатдан асосий манба вазифасини ўтади. Шоир-ёзувчилар халқ эртакларининг композицион қурилиши, ғоявий мазмуни, яъни сюжети, образлар ва мотивлар тизими, бадиий ифода услуби, тасвир ва талқин тамойилларидан фойдаланиб, шеърий, насрий ва драматик эртаклар яратдилар. 2.Жаҳон халқлари ёзма адабиётида эртак яратиш бўйича орттирилган бой тажрибалар ҳам ўзбек шоир ва ёзувчиларининг бу борадаги ижодий фаолиятига катта таъсир кўрсатди. Бадиий адабиётда ёзма эртаклар уч хил турда яратилган. Улар бир-биридан ўзига хос белгилари билан фарқланиб туради:

1. Шеърий эртаклар. Ёзма адабиётда назм (шеър, лирика)да яратилган эртаклар поэма (достон) жанрининг тақомилига катта таъсир кўрсатди. Поэманинг бир кўринишини шеърий эртаклар ташкил этади. Уларда воқелик шеърий кўринишда, бармоқ вазнида, лирик қаҳрамон (ижодкор)нинг ҳис-ҳаяжони, руҳий кечинмалари орқали ифодаланиши, ранг-баранг қофияланиш тизими, баъзан ҳатто радиф, турли банд қурилиши, кўплаб шеърий санъатлардан фойдаланиш асосида асар ғоявий мазмунининг очиб берилиши кузатилади.

2. Насрий эртаклар. Хаёлий (фантастика) ёхуд ҳаётий уйдирма (муболаға)га асосланган бирор-бир воқеликни ҳикоя усулида баён этишга, ижодкор қарашлари доирасида эпик тасвирлашга мўлжалланган. Унда воқеликни батафсил баён этиш, ижодкор муносабатини чуқурроқ ёритиш имконияти кенг.

3. Драматик эртаклар. Саҳнага мўлжаллаб яратилиши ва саҳнада ижро этилиши билан ажралиб туради. Уларда ҳар бир образ ўз характерига хос

¹² Anvar Obidjon. O'g'irlangan pahlavon: She'rlar, doston va ertaklar. – Тошкент: Cho'lpon nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2006. – В.63-64.

хислатларини нутқи, хатти-ҳаракати орқали очади. Эртақ-драмаларда воқелик диалог кўринишида, драматик тарзда баён этилади.

Адабий эртақларнинг болалар поэзияси ва прозасини тараққий эттиришдаги роли катта бўлди. Уларнинг «эртак-қисса», «эртак-роман» кўринишида кўшалок номланиши икки мустақил, алоҳида-алоҳида жанрларга хос хусусиятларни ўзига сингдириб келганини ва оралиқ ҳодиса сифатида шаклланиганини англатади, холос. Масалан, Қ.Носировнинг «Лайлакларим менинг» эртак-қиссасига эътибор қаратилса, у халқ эртақлари каби анъанавий зачин билан бошланган. Фақат бу зачин муаллиф ва эртак тингловчи болаларнинг тилидан диалог кўринишида келтирилган¹³. Асарда Оқилжон исмли ногирон бола лайлакларга ёрдам бергани учун Она лайлакнинг руҳи тушида етказган шифобахш тарвуз уруғидан соғаяди. Хуллас, асар эртақлар каби мўъжиза талқинига эгалиги, яхшилик билан тугаши туфайли эртақка яқин турса, унда Оқилжон ҳаётининг ногиронликдан то соғайгунича бўлган маълум бир даврига оид бир нечта эпизод танлаб олингани ва изчил баён этилгани, ҳаётий воқеа-ҳодисалар камрови жиҳатидан сюжет ва композицияси романга нисбатан кичик ва содда, ҳикояга нисбатан каттароқ ва мураккаброқ баён шаклига эгалиги уни қиссага яқинлаштирган. Шу асосда муаллиф ўз асарининг эртак ва қисса жанрлари оралиғида ёзилганини инобатга олиб, эртак-қисса деб кўрсатган. Лекин барибир унда қиссадан кўра эртақлик хусусияти баландроқ. Қолаверса, унда бевосита инсон ёрдамидан миннатдор бўлган лайлакнинг сирли тарвуз уруғини ҳадя қилиши ва бундан қаҳрамон ҳолатининг ўзгаришга учраши беихтиёр ўзбек халқининг машҳур эртақларидан бири «Олтин тарвуз» сюжетини ёдга солади.

Ўзбек болалар адабиётида эртак жанри стилизацияси даврий жиҳатдан уч босқичда кечгани аёнлашади. Булар: 1. XX асрнинг 20-30-йилларида эртақчилик. 2. XX асрнинг 50-80 йилларида эртақчилик. 3. XX асрнинг 90-йиллари охири ва Мустақиллик даврида эртақчилик. Адабий эртак жанрининг бу тараққиёт босқичларидан ҳар бири ўз белгиларига эга. Жумладан:

XX асрнинг 20-30-йилларида, *аввало*, миллат болаларини саводли қилиш ниятида жон куйдириб, мактаблар очган ва улар учун дарсликларни ҳам ўзи яратган айрим шоирлар халқ ижодиёти жанрларининг услуби ва тили соддалигини, тарбиявий моҳияти кучлилигини инобатга олиб, улардан ижодий фойдаланишга, айрим намуналарини стилизация қилишга алоҳида эътибор қаратганлар. *Иккинчидан*, рус истибдодчилари ўзларининг И.А.Крилов, А.С.Пушкин, Л.Н.Толстой, К.Д.Ушинский каби таниқли ижодкорларининг халқ асарлари руҳида ёзилган масалларини, эртак ва ҳикояларини ўзбек тилига ўгиришни талаб қилиб, шу асосда илғор ўзбек шоиру ёзувчиларини рус тилини ўрганишга мажбур қилди. *Учинчидан*, XX асрнинг 20-30-йилларда ўзбек зиёлилари эртақларни ёзиб олиш баробарида,

¹³Nosirov Q. Laylaklarim mening. Ertak-qissa va tarjimalar. – Toshkent: Cho'lpon nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2017. – B. 3-19.

улар асосида эртаклар ҳам ёздилар. *Тўртинчидан*, 30-йилларнинг бошларида «Болаларга эртак керакми?», «Сеҳрли-фантастик эртаклар улар тарбиясига зарарли эмасми?» каби мавзуларда бошланган қизгин баҳслар халқ эртакларига муносабатни янада чуқурлаштиришни талаб қилди. *Бешинчидан*, XX асрнинг 30-йилларида араб ёзувидан лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбосига ўтилиши натижасида уни тезроқ ўзлаштиришни кўзлаб, каттаю кичикни оммавий китобхонликка жалб этиш мақсадида оммабоп эртак жанридан фойдаланилди.

XX асрнинг 50-80 йилларида давр ижодкорларининг эртак соҳасидаги изланишлари анча самарали бўлди. Бу даврни адабий эртак яратишнинг гуллаган даври, дейиш мумкин. Давр эртакларида кўпроқ замонга мос фан ва техникани, ахлоқ ва одобни, «оқ олтин» ўлкаси ва унинг меҳнаткаш кишиларини, аъло ўқиш ва касб-ҳунар танлашни мадҳ этиш етакчилик қилди.

XX асрнинг 90-йиллари охири ва Мустақиллик даврида фольклорнинг миллий қадрият сифатида улуғланиши унга бўлган муносабатни янада яхшилади. Натижада фольклор сюжетларидан ижодий фойдаланиб, адабий эртаклар ёзиш анъанаси янада кенгроқ давом эттирилди. Ҳатто бу жанрда болалар адабиётининг кўзга кўринган йирик вакиллари ҳам қалам тебратишга киришди. Масалан, Х.Тўхтабоевнинг «Донишманд бобо эртаклари» тўпламида адиб тўқиган эртаклар ўрин олган.

Болалар ижодкорларининг кўпчилиги эртак жанри стилизациясига аҳамият қаратишининг асосий сабаби шундаки, образлар танлаш учун эртак анча эркинроқдир. Бундай қилиш асарга ҳаёт кўринишларини кенгроқ қамраб олиш, ҳатто мавҳум нарсаларни ҳам символлар воситасида кўрсатиш имкониятини беради.

Диссертациянинг «**Болалар насрида эртак стилизацияси**» деб номланган иккинчи боби «Насрий эртаклар стилизациясида халқ эртаклари образларидан фойдаланиш имкониятлари», «Адибларнинг халқ эртакларига хос анъанавий мотивлардан фойдаланиш маҳорати», «Насрий эртаклар стилизациясида анъанавий композицион-услубий белгиларнинг сақланиши» сингари уч фаслдан таркиб топган.

Халқ эртаклари таъсирида насрий турда ёзма кўринишда яратилган эртаклар адабий насрий эртаклар бўлиб, уларда ҳам воқелик бевосита ҳикоя усулида баён этилади ва ижодкор қарашлари доирасида тасвирланади. Насрий адабий эртаклар халқ эртаклари каби анъанавий кириш билан бошланиши уларни халқ эртакларига яқинлаштиради. Аммо улар қуйидаги хусусиятларига кўра халқ эртакларидан ажралиб туради:

Биринчидан, номланишига кўра. Уларнинг номланишида янги давр воқеликларини ифода этувчи: робот, машина, трамвай каби атама ва сўзлар ишлатилганлиги кузатилади. Жумладан, Т. Ғойиповнинг «Эпчил Робот», «Марсдан келган одам», «Дев ва техника», «Уچار машина», Р.Толибнинг «Трамвай ва машина» номидаги эртакларини бунга мисол қилиш мумкин.

Иккинчидан, образлар таркибига кўра. Адабий эртакларда анъанавий мифологик образлар (дев, пари, жин, аждар, Хизр, сеҳргар чол) ҳамда ҳаётий-реал образлар (шоҳ, вазир, тўқувчи, темирчи уста, савдогар, деҳқон, чўпон

кабилар)дан ташқари замонавий (шофёр, ўқитувчи, ўқувчи, олим, шифокор, ошпаз хола, робот) сингари персонажлар ҳам иштирок этади.

Учинчидан, адабий эртаклар замонавий мавзуга йўналтирилганлиги жиҳатидан ажралиб туради. Бунга Т.Ғойиповнинг «Сўзловчи чироқ», М.Раҳмонбекованинг «Янги Орол» каби эртаклари мисол бўла олади.

Тўртинчидан, замон билан боғлиқ бирор-бир ахлоқий ғояни очишга махсус қаратилганлиги билан алоҳидалик касб этади.

Халқ эртаклари стилизацияси асосида яратилган ёзма насрий эртаклар мазмунига кўра уч типга бўлинади ва сюжет йўналиши, образ ва мотивлар таркиби, бадий қурилиши жиҳатидан бир-биридан фарқ қилиши кузатилади:

1. Сеҳрли-фантастик характердаги насрий адабий эртаклар. Уларда воқелик фавқуллода шиддатли сирли тусда, ғайриоддий муҳитда, сеҳр-жоду иштирокида, ғайритабий образ ва персонажлар хатти-ҳаракати орқали юз бериши билан характерланади. Воқелик юз бераётган макон ва замон тилсимли, сирли бўлади. Жонсиз нарсалар жонлантирилади ва улар худди инсонлардек хатти-ҳаракатда тасвирланади.

2. Ҳайвонлар ҳақидаги насрий адабий эртаклар. Уларда ҳайвонлар тимсолида яхшиликнинг ёвузлик устидан ғалабасини шарафлаш мотиви етакчи унсурга айланган бўлиб, ҳайвон персонажлар бош қаҳрамон сифатида талқин этилади. Агар ҳайвонлар образи мисолида инсоний муносабатларни очиб беришга ҳаракат қилинган бўлса, *мажозий эртак* ҳисобланади. Уларда ҳайвон персонажлар хатти-ҳаракати орқали инсонлар табиатига хос камчиликлар фош этилади, кулги остига олинади. Масалан, Р.Толибнинг «Ёлғончи Ҳакка» эртагида Ола Ҳакканинг ичи қоралиги, мишмишчи ва ғийбатчилиги фош этилади. Шу орқали ҳаётда Ола Ҳакка каби феъл-сажияга эга кишилар характери очиб ташланади.

3. Маиший насрий адабий эртаклар. Улар мазмунан бевосита реал ҳаёт билан боғлиқ бўлади. Уларда реал ижтимоий воқелик ҳаёлик уйдирмасиз, ҳаётий уйдирма асосида тасвирланади. Масалан, Ё.Шукуровнинг «Она меҳри» эртагида¹⁴ онаси меҳри ва эркалашларидан талтайган тантиқ ва текинхўр боланинг уйдан кетиб, бир золим бой қўлида ишлаб қийналиши баён этилган. Ёзувчи бу ҳикояга эртак тусини бериш учун унга ўтмишдаги очкўз ва бераҳм бойлар образини киритган.

Насрий адабий эртаклардаги образлар тизимини реалистик, мифологик, романтик, мажозий, нарса-предметлар, гуллар, дарахтлар, уй жиҳозлари, ўқув қуроллари, чолғу асбоблари, ғаройиб хусусиятли тилсим предметлар, тарихий шахслар образига бўлиб ўрганиш мумкин. Уларга мифологик, романтик, мажозий образлар бевосита фольклор таъсирида кириб келган.

Адабий эртакларда халқ эртакларига хос эврилиш, туш, синов, сафар, шарт қўйиш, ёвузликни енгиш, аҳиллик, тўғрилиқ, ростгўйликнинг ғалабаси сингари жуда кўп анъанавий мотивларни учратиш мумкин. Халқ эртагига хос

¹⁴ Shukurov Y. Ona mehri. Ertak// O`zbek bolalar adabiyoti antologiyasi. Ikki jildlik. II. Nasr. – Toshkent: Cho`lpon nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi. «O`qituvchi» nashriyot-matbaa ijodiy uyi. 2006. – B. 125-131.

сюжет мотивлари адабий эртаклар сюжетида ё айнан, ё қайта ишлов берилган ҳолда ўзгартирилиб келтирилиши кузатилади.

Кўпгина адабий эртаклар худди халқ эртаклари сингари анъанавий кириш билан бошланганлиги кузатилади. Худди халқ эртакларидаги каби насрий адабий эртакларда ҳам воқеа юз бераётган ҳудуд ҳар доим ҳам очик айтилавермайди. Шунингдек, уларда планеталар, коинот, ер ости ёки сув ости каби макромаконлар ҳамда қўрғон, чўл, тоғ ва ҳоказо каби микромаконлар номига дуч келиш мумкин. Сеҳрли тоғ, сирли ғор, Бахтиёрлар мамлакати, Янги дунё, Ўзга сайёра каби эртакларга хос макон номлари кўп келтирилади.

Насрий адабий эртакларда анъанавий халқ эртаклари каби воқеаларнинг содир бўлган вақти ҳам ноаниқ ифода этилган. Кўпинча халқ сеҳрли-фантастик эртакларидаги каби уч, тўрт, олти, етти, тўққиз, қирқ рақамлари билан боғлиқ эпик вақтнинг ўлчов бирликлари қўлланади.

Насрий адабий эртакларнинг тугалланмаси ҳам халқ эртаклари услубида ёзилиши кузатилади. Жумладан, улар ҳаминша эртак қаҳрамонларининг ўз мурод-мақсадларига эришганликларини таъкидлаб ўтиш билан яқун топади. Масалан, «Шу билан Гилосхон ҳақидаги эртак тамом бўлибди. Ўқиганга ҳам, тинглаганга ҳам раҳмат» каби. Ушбу тугалланмафақат адабий эртакдагина қўллангани аён. Чунки халқ эртаклари фақат оғзаки тарзда яратилганлиги учун уларда «ўқиганга» мурожаатини қўллаб бўлмайди.

Адабий эртаклар тил хусусиятига кўра ҳам халқ эртакларидан ажралиб туради. Уларда янги давр воқеликларини ифодаловчи сўзларга кўп дуч келиш мумкин. Масалан, *ботинка, министр, электр поезд, электр станция, трамвай, машина* каби. Анъанавий халқ эртакларида эса, одатда, бундай сўзлар қўлланмайди. Адабий эртаклар тилида янги сўзлар алоҳида ўрин тутишига сабаб шуки, улар анъанавий эртаклар сюжети асосида яратилган бўлса-да, ўзида замонавий руҳни намоён этади. Замонавий руҳни очиб бериш учун эса турли техника воситаларининг номи, замонавий ҳодисалар атамаси ишлатилиши кузатилади.

Халқ эртакларида тайёр қолипга айланган анъанавий формулалар бисёр. Улар ўқувчи ва тингловчини қизиқтиришдан ташқари, воқеаларни бир-бирига боғлашда муҳимдир. Баъзан бундай турғун ифодалар адабий эртакларда ҳам қўлланилгани кузатилади. Чунончи, Д.Абдурахимованинг «Ардоқли қиз» эртагида келтирилган «шер катта шашт ва ғайрат билан қизчани елкасига ўтқазиб, уч ойлик йўлни уч соатда босиб ўтибди», «йўл юрибди, йўл юрса ҳам мўл юрибди», «қилични бир силкитди, қилич қирқ газ чўзилибди», «энди сўзни бошқа томондан эшитинг» ва бошқалар шулар жумласидандир.

Диссертациянинг «**Адабий топишмоқлар яратилишига халқ топишмоқларининг таъсири**» номли учинчи боби «Адабий топишмоқларда халқ топишмоқларига хос жанрий белгиларнинг ифодаси», «Адабий топишмоқларда поэтик мазмун ва образ янгиланиши» фаслларида иборат.

Ўтган асрнинг иккинчи ярим йиллигидан бошлаб болалар шеърлятида адабий топишмоқлар яратиш тажрибаси шаклланиб, аста-секин ривожланиб борди. Ғ.Ғулом, Қ.Муҳаммадий, Ш.Саъдулла, С.Ғафуров, П.Мўмин, К.Турдиева, А.Акбар, Н.Эрмат, Д.Ражаб, З.Ҳасанова, Ф.Ҳасанова, М.Сайфиддинова, М.Ҳамидова каби шоирлар яратган топишмоқлар болалар адабиёти хазинасини бойитди.

Ф.И. Буслаев фикрича, фольклорнинг кичик жанрлари, жумладан, топишмоқ ҳам эртақдан ўсиб ва ажралиб чиққан. Шунинг учун талай эртақларда қаҳрамон ақлу фаросатини синаш шарти сифатида топишмоқлар учрайди¹⁵. Болалар адабиётида эса топишмоқ-эртақларнинг борлиги ҳам бу фикрни яна бир бор тасдиқлашга хизмат қила олади. Бу жиҳатдан Қ.Муҳаммадийнинг шу оралиқ жанрда яратган ижод намуналари диққатни тортади. Шоирнинг «Олтин олов, ширин палов ва яшил қозон ҳақида» топишмоқ-эртаги иккилик шаклида қофияланган 90 сатрни ташкил қилади. Эътиборли жиҳати шундаки, у эртақларга хос «Бор экану йўқ экан, Оч экану тўқ экан» деган анъанавий киришнинг «Йўқ эмасу, бор экан, Оч эмасу, тўқ экан» кўринишидаги тескари такрорлантирилиши билан бошланган. Яна унинг тугун билан бошланиб, воқеалар ривожини асосида ечимга қараб бориши ҳам диққатга сазовор.

К.Турдиева айрим машҳур ўзбек халқ эртақлари ёки уларга алоқадор бирор образ номи яширинган топишмоқлар яратган. Бунда ҳам бевосита эртақ ва топишмоқ жанрининг ўзаро боғлиқлиги, бири иккинчисининг тараққиётига таъсир кўрсатгани ҳақидаги фикрлар яна бир бор ўз тасдиғини топади¹⁶.

Адабий топишмоқларда анъанавий халқ топишмоқларининг шаклини, жумбоқлаш усулларини, асосан, сақлаб қолишга ҳаракат кучли. Масалан, Н.Эрмат капалак ҳақида топишмоқ яратар экан, халқнинг у ҳақда билдирган «қони йўқ» деган маълумоти ва ифодасини ҳам сақлаб қолган. Чунки бу капалакнинг энг муҳим белгиларидан биридир.

Ўзи гул, гулни қучар,
Гулзорда яйраб учар.
Танасида йўқ қони,
Аммо унинг жони бор (Капалак)¹⁷.

Адабий топишмоқларда индивидуал ижодкорнинг дунёқараши, ўй-кечинма ва қарашлари муҳим ўрин тутиши ҳам уни халқ топишмоқларидан ажратиб туради. Халқ топишмоқлари тузилиши жиҳатидан насрий ёки шеърий шаклга эга бўлса, адабий топишмоқларни кўпроқ шеърий тузилишдаги топишмоқлар ташкил этади. Уларда шеър шаклига хос банд, мисра, вазн, туроқ, қофия кабиларга тўла амал қилинганлиги кузатилади.

